

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ТАШХИС  
ЭТИШДА РАҚАМЛИ ДИДАКТИКА ВА ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ  
ДАСТУРЛАРИНИНГ ЎРНИ

<sup>1</sup>Ҳамзаев Ҳ.Х., <sup>2</sup>Абдусатторова З.А

<sup>1</sup>ЖДПУ доценти, <sup>2</sup>ЖДПУ 1-курс таянч докторанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10982724>

**Аннотация.** Ушбу мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини хорижий тажрибалар асосида таъхис этишида халқаро баҳолаш дастурларининг ўрни хусусида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** жаҳон таълими, бошланғич синф, баҳолаш, дунё, таълим, тараққиёт, дастур, ахборот, тест, ҳамкорлик, таъхис.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается роль международных оценочных программ в диагностике знаний, умений и навыков учащихся общеобразовательных школ на основе зарубежного опыта.

**Ключевые слово:** мировое образование, начальные классы, оценка, мир, образование, развитие, программа, информация, тест, сотрудничество, диагностика.

**Abstract.** This article discusses the role of international assessment programs in diagnosing the knowledge, skills and abilities of students in general education schools based on foreign experience.

**Keywords:** world education, primary school, assessment, peace, education, development, program, information, test, cooperation, diagnostics.

Жаҳон таълим тизимида халқаро баҳолаш дастурлари асосида инсон капиталини янада ривожлантириш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш жараёни кечмоқда. Бунда халқаро баҳолаш ва тадқиқот дастурлари дастуруламал бўлаётганлигини таъкидлаш жоиз. Натижада жаҳон таълим тизимида амалий ҳамкорлик тенденциялари ривожланиб бормоқда.

Дарҳақиқат дунё мамлакатлари таълим тизимида ўзига хос тажрибалардан фойдаланиш амалга оширилмоқда. Бу борада ЮНЕСКОнинг “Ҳаёт давомида таълим” халқаро таълим дастури мувофиқлаштирувчи вазифани бажармоқда.

Бунинг натижасида дунё мамлакатлари таълимининг миллий тажрибалари оммавийлашмоқда ва мамлакатларнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги кучайиб бормоқда. Буларнинг барчаси амалий самарани бераётганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да мамлакатимизда сифатли таълимни амалга ошириш вазифалари белгиланган. Шу жиҳатдан республикамизда таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражасини кучайтириш ва уларни мунтазам баҳолаб боришдан иборат. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида муҳим йўналишлар белгиланган. Ана шундай йўналишлардан бири ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёнини халқаро таълим дастурлари асосида баҳолаб боришдир [1]. Шу жиҳатдан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини таъхис этишида халқаро баҳолаш дастурларидан фойдаланиш методикаси муаммосини тадқиқ этиш долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини мунтазам ўрганиб бориш билан мазкур таълим босқичини янада ривожлантириш имкониятларига эга бўлинади. Шу жиҳатдан мазкур жараёни ташхис этишда халқаро баҳолаш дастурлари муҳим аҳамиятга эга [2]. Бу ўринда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишда муҳим ўрин тутадиган TIMSS, PISA ва STEAM каби халқаро баҳолаш дастурларининг тавсифига эътиборингизни тортаман.

**TIMSS**- бу халқаро баҳолаш дастури ўқувчиларнинг математик саводхонлигини ва уларнинг табиий фанлар бўйича билимдонлигини аниқлаш ҳамда баҳолашни назарда тутди [3].

**TIM**- Trends in Mathematics (математик саводхонлик);

**SS**- Science Study (табиий фанлар бўйича билимдонлик).

Мазкур халқаро баҳолаш дастурида ана шу йўналишлардаги ўқувчиларнинг ўзлаштиришини аниқлаш амалга оширилади ва унда дунёнинг жуда кўп мамлакатлари иштирок этиб келмоқда. TIMSS халқаро баҳолаш дастури 1995 йили ўқув жараёнини ўзлаштириш Халқаро маркази (IEA) томонидан 1995 йилда ишлаб чиқилган ва амалга киритилган. Халқаро баҳолаш дастури махсус тузилган тест асосида бошланғич таълимнинг 4-синф битирувчилари ўртасида ҳар тўрт йилда Математик саводхонлик ва табиий фанлар бўйича билимдонлик даражасини аниқлаш учун ўтказилади [3]. Халқаро баҳолаш дастурини ўтказиш механизми қуйидагича:

- 4-синф битирувчилари ўртасида;
- 8-синф битирувчилари ўртасида (яъни 4-синф битирувчилари 8-синфга ўтгач иккинчи мартаба ўтказилади).

Бундан мақсад ўқувчиларнинг тўрт йилдан кейин билим, кўникма ва малакасининг ривожланганлик даражасини аниқлашдир. Шу сабабли TIMSS халқаро баҳолаш дастури иштирокчи давлатларнинг ҳар бир мактабида икки марта ўтказилади ва қайси давлатда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси фоизлар ҳисобида кўрсатиб борилади. Мазкур халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш 1995 йил бошланган. Бугунги кунга қадар 7 марта, яъни 1995, 1999, 2003, 2007, 2011, 2015 ва 2019 йилларда ўтказилган.

TIMSS халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш учун қуйидагича ёндашилади:

- махсус тузилган тест асосида сўровнома ўтказиш;
- таълим муассасаси, экспертлар ва кузатувчилардан анкета асосида маълумот олиш;
- таълимни амалга оширувчи ўқитувчиларнинг ўқитиш услубларини ўрганиш;
- ўқувчиларнинг ёш ва имкониятларига мос дастурлар асосида машғулотлар ўтказиш.

Эътибор берилса, мазкур халқаро баҳолаш дастури ўзига хос ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган. Шу сабабли ушбу дастурнинг имкониятларидан мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг 4 ва 8-синф битирувчи ўқувчиларининг математик саводхонлик ва табиий фанлар бўйича билимдонлик даражаларини ташхис этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, TIMSS халқаро баҳолаш дастури қуйидаги муҳим тамойилларга асосланади:

- ўқув-билиш фаолиятининг ва унинг мазмунининг мақбул жиҳатларини ривожлантириш;
- қулай ва аниқ маълумотлар берувчи тестларга асосланиш;
- математик саводхонлик ва табиий фанлар бўйича билимдонликнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш;
- ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашда уларнинг имкониятларига мос тестларга қатъий таяниш;
- ўрганиш натижаларини чуқур таҳлил қилиш ва жамоатчиликка тақдим этиш.

Диққат қилинса, TIMSS халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш билан таълим ҳамда тарбия жараёнини ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш мумкин. Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг таълим ва тарбия жараёнини ташхис этиш ва унинг самарадорлигини баҳоловчи яна бир муҳим халқаро баҳолаш дастури бу 1997йили ишлаб чиқилиб, 2000 йилда амалга киритилган

**PISA** (Programme for International Student Assessment)дир. Бу халқаро баҳолаш дастури ўқувчиларнинг математик билимдонлигини аниқлаш ва ўзлаштирган математик саводхонлигини амалиётда қўллай олиш кўникмасининг даражасини аниқлашга йўналтирилган. Мазкур халқаро баҳолаш дастури 2000 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) томонидан ишлаб чиқилиб, амалга киритилган. Бу халқаро баҳолаш дастури ҳар 3 йилда 15 ёшли 9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилади. Бугунги кунга қадар дунё мамлакатларининг умумий ўрта таълим мактабларида 7 мартаба, яъни 2003, 2006, 2009, 2012, 2015 ва 2018 йилларда ўтказилган. Шу сабабли мазкур халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг эълон қилишича, 2022 йилда 15 ёшли ўқувчилар ўртасида (9-синфда) ўтказиладиган PISA тестининг саволномаси ўқувчиларнинг қуйидаги билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш мўлжалланмоқда:

- танқидий фикрлаши;
- берилган топшириқларга ижодий ёндашиши;
- математик топшириқларни мустақил таҳлил қила олиши;
- ўзини тутиши, ташаббускорлиги ва фаоллиги;
- ахборот билан ишлай олиши;
- тизимли фикрлаши;
- фикрини ёрқин ифодалай олиши;
- билим олишга қизиқиши.

Эътибор берилса, мазкур ёндашувлар асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш кутилган самарани беради. Таъкидлаш лозимки, бу мақсадлар асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ташхис этишда Математик фанлар бўйича саводхонлик даражаси асос бўлади. Шу сабабли 2022 йилда ўтказиладиган тест жараёнида фаол иштирок этиш учун мамлакатимизда тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бунинг учун Америка Қўшма Штатларининг Кембридж университети ва ЮНЕСКО мутахассислари иштирокида тайёргарлик Дастури ишлаб чиқилган ва ана шу дастур асосида ўқувчилар тестга тайёрланмоқда. Мазкур PISA халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг

билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш билан таълим тизимини янада ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш мумкин бўлади.

### **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Шерматов Ш. Халқ таълими: Эврилиш ва юксалиш йўли. //”Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 30 сентябрь сони.
3. Международное мониторинговое исследование качества школьного математического и естественного образования TIMSS.